

165

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Kattaqo'rg'on shahar  
HOKIMI  
QARORI



РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
города Каттакургана  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2017 у.г. « 7 » март

№ 273-Б

Каттақо'рг'он ш. – г. Каттакурган

“Каттакўрғон шаҳар Қушховуз МФЙ ҳудудидан участка нозирга уй-жой қуриш учун ер майдони ажратилиш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 феврал куни “Ички ишлар органлари фаолияти, тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган” видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлардан келиб чиқиб, шаҳардаги участка нозирларини уй-жой билан таъминлаш ҳамда шаҳарсозлик ва ер кодексларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каттакўрғон шаҳар Қушховуз МФЙ ҳудудидан участка нозирларига уй-жой қуриш учун сатҳи 0.025 Га ер майдони вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Шаҳар бош архитектори О.Розиковга, “Сувоқова” давлат унитар корхонаси раҳбарига, шаҳар “Электртармоқлари” корхонаси раҳбари Б.Розиковга, “Каттакўрғоншаҳаргаз” филиали бошлиғи Б.Кенжаевга, “Самтелеком” Каттакўрғон шаҳар филиали бошлиғи Х.Қодировга ер участкасининг муҳандислик коммуникациялар уланиш учун техник шартларни белгиланган тартибда тайёрлаш вазифаси топширилсин.

4. Каттакўрғон шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими, ва Каттакўрғон шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси бошлиғи (У.Туропов)га ерни натура тарзида ўлчаб бериш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Раҳмонов зиммасига юклатилсин.

Б.Садуллаев

Шаҳар ҳокими